



— Маллим, Фазлиддин рўза тутибди, — деди Сарвигул синфга кириб келган синф рахбарига.

— Рўза тутибди? Саккизинчи синф ўқувчиси - я? — деди рахбар Кўчқоров. — Косимов, доскага чик!

Фазлиддин индамай доска ёнига келиб турди.

— Шу гап ростми, — сўради рахбар. — Ростдан рўза тутдингми?

— Ха, мен рўзадорман, муаллим, — деди Фазлиддин.

— Нима учун? Ким ўргатди? Балки феодал отанг мажбурлагандир?

— Мени ҳеч ким мажбур қилгани йўқ, — деди Фазлиддин рахбарнинг кўзига тик қараб.

— Балки уйларида егани овқат йўқлигидан рўза тутаётгандирсан?

— Уйда ҳамма нарса бор, — энди четга юз бурди Фазлиддин.

— Унда нега рўза тутдинг, — тутокиб кетди рахбар ва Фазлиддиннинг юзига тарсаки тортди.

— Мени нега урасиз, муаллим, — деди юзини ушлаб Фазлиддин. — Мен сизга нима килдим?

— Ярамас! Ахир бутун мактабимизга дог туширибсан - ку? Директор эшитса нима киламан? РайОНО мудир, райондагилар эшитса нима бўлади? Уларга нима дейман?

— Ойижон, мени хам сахарликка уйготинг, мен хам сизлар билан рўза тутаман, — деди Фазлиддин онасига.

— Хали кичкинасан, кийналиб коласан, — деди онаси. — Энди биринчи синфга бораяпсан - ку?

— Кийналмайман, ойижон, — деди Фазлиддин, — ана, Мулла тогамнинг ўгли Акмалхон хам мен билан бирга ўқийди - ку? У “Эртага рўза бошланади, тутасанми, мен тутаман, ўтган йили хам тутувдим”, деди.

— Майли, уйготамиз, — деди она - боланинг сухбатига аралашган Собир ака. — Ойиси, Фазлиддин ўзи хохляптими, индаманг. Кеча, жума намозида мулла Абдурахмон айтдики, хали балогатга етмаган болалар рўза тутсалар савоби ота - онасига ёзилар экан.

— Майли, уйготамиз, — деб ўглини тинчлантириб ўрнига ётқизди Маърифат опа. — Биз билан бирга сахарлик килсин. Бир ухлаб туриб яна овкат еб кетаверади.

Аmmo Фазлиддин сахарликдан сўнг ухламади. У рўзанинг нималигини билмаса хам, унинг шартлари, амаллари нималигини билмаса хам рўза тутганидан, ота - онаси билан бирга камтарона бўлсада серфайз дастурхон атрофида ўтириб сахарлик килганидан шод ва масрур, кўнгли ифтихорга тўлган эди. Фазлиддин шу кўтаринки кайфиятда эртарок мактабига йўл олди.

— Ухлаб колмадингми, — савол билан кутиб олди Акмалхон. — Тутдингми?

— Ойим уйготдилар, тутдим.

— Сахарликка нима единглар?

— Ширчой ичдик. Асал, майиз, туршаклар хам бор эди, — деди Фазлиддин. — «зларинг - чи?

— Ойим хар йили Рамазонда сахарликка атала пиширадилар. Куйрук солинган аталадан ярим коса ичсанг, кечгача очикмайсан.

— Мен хам ойимга айтаман, атала пишириб берадилар.

Хар танаффусда икки дўст бир - биридан ўз сирлари бўлиб колган рўзалари хакида “бузиб кўймадингми”, деб сўрашарди.

Фазлиддин бир кун хам рўзани бузмади. Кайтанга Акмал бир куни бузиб кўйишига сал колди. Синфдошлари Жасурбек ховучига солган пистадан бир донасини Акмал энди озгига солган эдики, Фазлиддин унинг кулогига шивирлади:

— Биз рўзадормиз - ку!

— Ха - я, менинг тишим оғриб турувди, — деб Акмалжон писталарни Жўрабекка кайтариб берди.

Икки дўст бузмасдан рўзаларини тўлик тутишди.

Кейинги йил хам.

Кейинги йиллар хам.

— Ойи, дада, мен хам бугун кечкурун таробех намозида, Абдурахмон домланинг масжидига чикаман, — деди мактабдан кайтган Фазлиддин.

— Хали ёшсан - ку, — деди отаси. — Хеч бўлмаса намоз ўқишни биласанми?

— Ёшим ўн иккига тўлди. Ўгил бола ўн бир ёшидан ўқиши керак экан. Бир йил

кечикибман, — деди Фазлиддин. — Намозни Абдурахмон домла ўргатар экан. Акмалхон хам бораяпти.

Ифторликдан сўнг Фазлиддин шоша— пиша дафтар— калам кўтариб масжидга кетди. — Ёмон кўздан асрасин, — кўзи ёшланди Собир аканинг. — Шу ўглингдан умидим катта. Фазлиддин намоз ўқишни тез ўрганди, укаси Аслиддинга, синглиси Ойшабонуга хам ўргатди. Собир аканинг хонадонида рўза тутмайдиган, намоз ўкимайдиган одам колмади.

Шахарга тушиб жума намозини ўқиган Собир ака солих ва солиха фарзандлар, уларнинг ота - онага охиратда аскотадиган савобли амаллари хусусида маъруза килган кори домланинг сўзларидан калби халим бўлиб, ўзининг хам шундай фарзандлари борлигидан фахрланиб, шахар бозорига ўтди. Автобус чиптасига яраша пул олиб қолиб, колган бор пулига хурмо, холва, турли ширинликлар ва болаларига кийим - кечаклар харид килди. Кечкурун тўкин дастурхон атрофида, бутун оила аъзолари билан бирга рўзасини очар экан, кўзда ёш билан дуо килди:

— Парвардигорим, “Рўзасини очаётган бандамнинг дуосини тўхтовсиз қабул киламан”, дегансан. Ваъдасига энг вафодор хам ўзингсан. Менинг хам фарзандларим ҳақкига килаётган дуоларимни қабул эт. Фарзандларимнинг умрини узун, ризкини бутун килгин! Иймон - эътиқодларини мустаҳкам килу ўзинг уларни тўғри йўлдан адаштирма!

Хаммамизга икки дунё саодатини бер! Раббона отина фи дуя хасанатан ва фил охирати хасанатан ва кина азабан нар. Бирахматика ё архамар рохамин!

Ўша йили таробех намозининг бошидан охиригача Фазлиддин билан Акмалжон жўровоз бўлишиб, таробех тасбиҳини айтишди. Рамазон сўнгида мулла Абдурахмон бутун жамоадан шу икки ўсмир ҳақкига дуо олиб берди.

— Элнинг, юртнинг корига ярайдиган, динимизга хизмат киладиган йигитлар бўлиб камол топишсин!

— Маллим, Фазлиддин рўза тутибди, — деди Сарвигул синфга кириб келган синф раҳбарига.

— Рўза тутибди? Саккизинчи синф ўқувчиси - я? — деди раҳбар Кўчқоров. — Косимов, доскага чик!

Фазлиддин индамай доска ёнига келиб турди.

— Шу гап ростми, — сўради раҳбар. — Ростдан рўза тутдингми?

— Ха, мен рўзадорман, муаллим, — деди Фазлиддин.

— Нима учун? Ким ўргатди? Балки феодал отанг мажбурлагандир?

— Мени ҳеч ким мажбур килгани йўқ, — деди Фазлиддин раҳбарнинг кўзига тик қараб.

— Балки уйларингда егани овқат йўқлигидан рўза тутаетгандирсан?

— Уйда ҳамма нарса бор, — энди четга юз бурди Фазлиддин.

— Унда нега рўза тутдинг, — тутокиб кетди раҳбар ва Фазлиддиннинг юзига тарсаки тортди.

— Мени нега урасиз, муаллим, — деди юзини ушлаб Фазлиддин. — Мен сизга нима килдим?

— Ярамас! Ахир бутун мактабимизга доғ туширибсан - қу? Директор эшитса нима киламан? РайОНО мудирини, райондагилар эшитса нима бўлади? Уларга нима дейман?

— Худонинг олдида борганда нима дейсиз, — кутилмаганда хотиржам сўзлади Фазлиддин. — Ахир Оллох Таоло ўғил болаларга ўн бир ёшдан, киз болаларга тўққиз ёшдан рўза тутишликни фарз килганку?

Фазлиддин шу сўзларни айтиб Сарвигулга қараб қуйди. Сарвигул Фазлиддиннинг

сирини очиб, катта иш килган одамдай магрур ўтирарди.

— Кимнинг сумкасида нон бор, — сўради рахбар. Энди катта бўлиб колган ўкувчилар сумкасига нон солиб келишни бас килишганми, ё синфдошлари хурматигами бирор киши “Менда нон бор”, демади.

— Сарвигул, бориб сув олиб кел, ўкитувчилар хонасида графин бор, шуни тўлдириб кел, — деди рахбар, — стакан ҳам олиб кел!

Сарвигул “кахрамонлиги”ни охиригача шараф билан адо килди. Дархол бир графин сув ва стакан олиб келди.

— Ич, муллавачча, — ўшқирди рахбар бир стакан сувни узатиб.

— Ичмайман, муаллим, — деди Фазлиддин.

— Ичасан! — рахбар Фазлиддиннинг юзига яна тарсаки туширди. — Ичасан! Ичираман!

Рахбар Фазлиддиннинг огзини очиб, сувни унинг огзига куймокчи бўлди. Фазлиддин харгиз огзини очмади. Рахбар сувни унинг юзига сепиб юборди. Фазлиддин юзидаги сувни кўли билан сидириб четга ўгирилиб тупурди. Бу рахбарни кутуртириб юборди. Яна стаканни сувга тўлдирди. Чап кўли билан Фазлиддиннинг бўйнидан кисиб, ўнг кўли билан унинг бурнини кисиб огзини очди ва синфга караб ўшқирди:

— Чик, биттанг огзига сувни куй!

Хеч ким ўрнидан кўзгалмади. Рахбар бир неча боланинг исмини айтиб чакирди. Улар ўз исмини эшитиши билан ўринларидан “дик” этиб туришди, аммо келиб стаканни олиб ундаги сувни Фазлиддиннинг огзига куйишга кўллари бормади. Рахбарнинг кунига яна Сарвигул яради. Сарвигул келиб сувни Фазлиддиннинг огзига куйди.

— Яна куй! Яна бир стакан куй!

Фазлиддин юлкиниб рахбарнинг кўлидан чикди. Унинг икки кўзи ёшга тўлган эди.

— Кўркмас экансан - а, — деди унинг кўзидаги ёшни кўрган рахбар, — кўркасан.

Ичираман дедимми - ичираман. Хали караб тур, сени мактабдан ҳам хайдаттираман.

Коммунизм кураётган шонли Совет давлатининг коммунистик мактабида сенга ўхшаган диний саркитларга ўрин йўк!

— Хайдамасангиз ҳам кетаман, — деди йиглаб Фазлиддин. — Аммо сизга Худодан кайтмаса у дунёю бу дунё рози эмасман!

Фазлиддин синфдан чикиб кетди. Шу билан мактабга кайтиб бормади. Бошка мактабда ўкиб, ўрта маълумот олди.

— Якин орада Самаркандга бордингми, — сўради Акмалжон Фазлиддиндан.

— Йўк, фирмамиз ишлари билан бўлиб, бу йил Самаркандга ўтолмадим, — деди Фазлиддин. — Аввал Аслиддин бошкараётган корхонани янги бинога кўчирдик, кейин Ойшабону билан куёвимиз германияликлар билан бирга очган кичик фабрикани ишга тушириш билан банд бўлдик. Аммо бу йил бир ниятим бор, фирма ишларига ўзинг бош - кош бўлиб турасан, бир ой кишлокка кетмокчиман.

— Баракалла, сўраганимнинг сабаби кишлокдагилар, “Фазлиддин хожи курдирган масжидда маза килиб, эмин— эркин намозларни ўқияпмиз, отасига рахмат, аммо хожининг ўзи келмай кўйди, уни согиндик, дейишди. “Хожи ота билан Хожи онани ҳам согиндик”, дейишди.

— Унда ота - онамни олиб бориб бир ой Рамазонда кишлокда туриб келаман, — деди катъий килиб Фазлиддин.

Рамазон ойи арафасида Фазлиддин ота - онаси ва ахли аёлини олиб кишлокка жўнади. Бир ой кадрдон ота уйларида туриб, муборак ойнинг рўзасини тутдилар. Таробех намозларини Фазлиддиннинг ўзи курдирган жоме масжидида ўқидилар. Рамазон ойи

жуда серфайз ўтди. Бир ойнинг бирор куни бўлмадики, меҳмонларсиз, кадрдонларсиз ўтган бўлса. Аввалига ёр— дўстлар буларни йўқлаб келишган бўлса кейин булар кавму - кариндошлариникида ифтор килишиб дийдорлашишди. Рамазоннинг сўнгги куни Фазлиддин каттакон бир хўкизни сўйдириб, камдаромад оилаларга таркатди.

Кишлокдаги ёрдамга мухтож оилаларга “Фитри рўзамни олсангиз”, «Закотимни сизга бермокчийдим», деб хайру эхсонлар килди. Рамазон хайити куни сахарлаб Фазлиддин кишлок ошпазларига тайинлаб бир бўрдоки кўчкорни сўйдириб, дошқозонда ош дамлатди. Хайит намозидан сўнг каттаю— кичикка ош сузилиб, ширинликлар улашилди. Ошдан сўнг Фазлиддиндан кишлоқдошлари дуосини олиб, пойтахта кайтадиган бўлди. Масжиддан чикар экан, йўл четида тиланиб турган икки кўзи кўр одамга кўзи тушди. Овоз чиккан томонга кўл чўзиб турган одамнинг ховучига минг - икки минг сўм пулни ташлаб, машинасига ўтираётиб отасидан сўради:

— Ким бу шўрлик, дадажон, юзи танишдай, аммо танимадим?

— Нахотки танимаган бўлсанг? Бу бечора Эшмат муаллим бўлади. Бир замонлар сенинг синф рахбаринг эди.

— Йўг - е! — Фазлиддин машинадан кайта тушиб тиланчига каради. — Умуман ўхшамайди - ку?

— Машинангни юргиз, йўлда айтиб бераман, — деди Собир ака.

Машина катта йўлга чиккандан сўнг эшитганларини сўзлаб берди.

— Мен ҳам кеча эшитдим, жуда ахволи ёмон бўлибди. Аёли ўлиб, ичкиликка берилиб колган экан, мактабдан хайдашибди. Устига икки ўгли ҳам нокобил чикибди. «Пул топиб бер», деб отасини уришаркан, ярамаслар. Халиги, наша деган балога ўрганишган экан. Муаллимнинг уйларини ҳам бузиб сотиб, чекиб бўлишибди. Катта ўгли чекиб ўлиб колибди. Кичкинаси ўгирлик килиб, камалиб кетибди. Ана энди бу шўрликда на уй, на хотин, на бола - чака, на даромад. Йиглайвериб кейинги бир йил ичида кўр бўлиб колибди. Вақтида бирор кариндошга меҳр - окибат кўрсатмаган, устига огзиям шалакрок бўлган экан, кариндошлариям безор эмиш. Халиям махалла куйнинг бориға шукр, кўплашиб бузилиб, ёгоч - тахталари сотилиб кетган уйнинг бир хонасини ёпиб, таъмирлаб беришибди. Шу хонада ётиб турармиш. Ўзларининг кишлогида тиланиб юраркан, бугун катта масжидга кўпчилик хайит намозига йигилишини эшитган шекилли, бизнинг кишлокка кепти.

Отасининг гапларини тинглаб бораркан Фазлиддиннинг ёдиға болалиги, кишлокдаги мактаблари бошлангич бўлганлиги учун Дўнгтепаннинг мактабига бориб ўкиганлари, рўза тутгани учун Эшмат муаллим уни ургани, огзини куч билан очиб сув ичиргани, мулла Абдурахмон рахматлик “Хафа бўлманг, мулла ўглим, рўзангиз бузилгани йўқ, рўзангиз касд килиб ўзингиз сув ичсангиз бузилади, сизга худосиз Эшмат ичирибди, рўзани бузмай давом эттираверинг, Эшматни кўяверинг, хаммага “Худо йўқ, бўлса кўрсатинглар, мен бир кўрай, менга бир ўзини кўрсатсин”, деб юрган нодон - да у, бир куни Худо унга кўрсатади ўзини”, деганлари, шу муаллим сабаб олти чакирим узокдаги кўшни тумандаги ўрта мактабга уч йил катнаганлари келди. Уни азиз муаллимга чакиб берган синфдоши ёдиға тушди. Ортиға ўгирилиб онасидан сўради.

— Ойи, Сарвикул деган синфдошимиз бўларди, яхши яшаяптимикин?

— Бу муаллимни кўргач ўша синфдошингни ҳам сўрасанг керак, деб турувдим, — деди онаси. — Уям феълидан топибди, болам. Бир - иккимас, уч марта турмуш курибди, аммо тинчмабди. Хозир бозор эшигида писта, сигарет, нос сотиб ўтирар эмиш. Кўй, уларни ўйлаб сикилма, ўглим. Оллох хар кимнинг феълиға, ниятиға яраша беради.

Машина Тошкент йўлига чиккач, Фазлиддин йўл бўйидаги шинамгина бир чойхонада тўхтади. Ўгли хам иккинчи машинани шу ёкка бурди.

— Шу ерда Бир - икки соат дам оламиз, — деди Фазлиддин отасига. — Дилимга бир нима келди.

Фазлиддин чойхоначига чой - пой олиб келишини, бирор соатдан сўнг тайёр бўладиган килиб димлама тайёрлаб беришини илтимос килди. «зи “дарров келаман”, деб Самаркандга йўл олди.

Фазлиддин кетар чоги ўглини чакириб масжидга кайтиб боришини, Эшмат муаллимни топиб, ҳеч кимга билдирмай машинага миндириб келишини тайинлади. «зи шахарга тушиб Эшмат муаллим учун костюм, кўйлак, туфли, дўппи, жойнамоз ва тасбех сотиб олди.

Фазлиддин энди кайтиб келган эди хамки, ўгли хам Эшмат муаллимни машинасига миндириб етиб келди.

— Ҳеч ким кўрмадими, — сўради Фазлиддин.

— Бизнинг кишлокдан чикиб Дўнгсой томонга кетаяптилар экан. Ҳеч ким кўрмади. Аммо келгунча минг марта кимлигимни каерга олиб кетаётганимни сўрадилар. “Уйингизга олиб бораман”, деб олиб келавердим.

— Тўгри килибсан, — деди Фазлиддин. — Уйига олиб борамиз. Олдин бир муаллимни муаллимдай кийинтириб кўяйлик.

Фазлиддин чойхоначидан сўраб - суриштириб, чойхона ортида чойхоначининг уйи бор эканини, уйда хаммоми борлигини билди ва Эшмат муаллимни олиб бориб чўмилтириб, янги кийимларни кийдириб келди. Энди ҳеч ким уни гадой ё тиланчи демасди.

— Кимсизлар, менга бунча гамхўрликни ким килаяпти, — деб такрор - такрор сўради Эшмат муаллим. — Жаббор ўғлим, сен кайтиб келдингми?

— Ха, мен хам ўглингиз катори ўглингизман, домла, — деди Фазлиддин. —

Фазлиддинман. Аммо мени эслолмасангиз керак, саккизинчигача ўқитувдингиз.

— Кайси Фазлиддинсиз, ўғлим? Кимни ўглисиз?

— Аввал тушлик килиб олайлик, кейин ўзимни таништираман.

Фазлиддиннинг ишораси билан таом сузилди. Фазлиддиннинг ўзи Эшмат муаллимни овкатлантириб кўйди. Бир пиёла чой хам ичиргач, сўзлади:

— Отамни сўрадингиз, отам ёнингизда ўтирибдилар.

— Эшмат муаллим, мен Собирман. Кўштепалик уста Собир, эсладингизми, — деди Собир ака.

Эшмат муаллим бир калкиб тушди.

— Хожи ака, сизмисиз? Эсладим, сизни хам эсладим Фазлиддин. Сизни бир кўрсаму кечирим сўрасам, деб юрар эдим. Мана, учрашдик. Афсус, мен сизни кўролмаيمان. Аммо эшитдим, улуг мартабаларга эришибсиз. Завод, фабрикалар очибсиз. Хажга ота - онангизни олиб борибсиз. Оллох зиёда килсин! Оллох, Оллох! Эсингиздами, сизни ноҳак ранжитувдим. Ёшгина бўла туриб “Сизга Худодан кайтмаса у дунёю бу дунё рози эмасман”, деб йиглаб чикиб кетувдингиз. Мана, шу дунёнинг ўзида кайтди. “Худо йўк”, деб ўкитишган, биз шунга ишониб алданганмиз - да, ука. Худо борлигини кўрсатди, кудратиниям кўрсатди, ука. — Эшмат муаллим пиккиллаб йиглашга тушди. — Мени кечиринг, Фазлиддинжон.

— Домла, йигламанг, — деди Фазлиддин. — Бўлар иш бўлди. Мен сизни кечирдим. Энди хўп десангиз бир иш киламиз, бир “Кариялар уйи” бор. Фирмамиз оталикка олган. Эшитдим, ҳеч кимингиз колмабди. Тиланиб юришингиз яхшимас. Ахир сиз бизнинг

устозимисиз. Рози бўлсангиз сизни шу “Кариялар уйи”га жойлаштираман. Хамма шароитлари яхши. Ўзим ҳам тез - тез хабар олиб тураман. Нима дедингиз?

— Нима дердим, укажон, Худо зиёда килсин! Мартабаларингиз бундан ҳам улуг бўлсин! Аммо мени хижолат килдингиз. Ўз боламдан кўрмаган мурувватни ўзим хорлаган ўкувчимдан кўрсам, э вох!

— Хижолат бўлманг, домла, хали насиб килса операция килиб, кўзингизни ҳам очамиз, — деди Фазлиддин ва отасига юзланди: — Дадажон, энди дуо килинг, домламизни ҳам олиб йўлга чикайлик!

— Илохи омин, — дуога кўл очди Собир ака. — Хеч кимни тўгри йўлдан адаштирмасин! Фарзандларимизнинг умри узун, ризку насибаси бутун бўлсин! Юртимиздан меҳру - окибат кўтарилмасин! Мурувват калбларимизни тарк этмасин! Оллоху Акбар!

Каримберди ТЎРАМУРОДОВ